

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АБИЛОВ ПУЛАТ МЭЛИСОВИЧ

G.LUCIDUM ҚЎЗИҚОРИНИДАН ЭКСТРАКТНИНГ
ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ОКСИДЛАНИШ СТРЕССИ ШАРОИТИДА
ЭРКИН РАДИКАЛ ЖАРАЁНЛАРИГА ТАЪСИРИ

14.00.16 – Нормал ва патологик физиология

тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Абилов Пулат Мэлисович

G.Lucidum кўзикаринидан экстрактнинг экспериментал оксидланиш стресси шароитида эркин радикал жараёнларига таъсири..... 3

Абилов Пулат Мэлисович

Влияние вытяжки из гриба G. Lucidum на свободнорадикальные процессы в условиях экспериментального оксидативного стресса..... 23

Abilov Pulat Melisovich

Effect of extract from G. Lucidum mushroom on free radical processes under experimental oxidative stress..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 48

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АБИЛОВ ПУЛАТ МЭЛИСОВИЧ

G.LUCIDUM ҚЎЗИҚОРИНИДАН ЭКСТРАКТНИНГ
ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ОКСИДЛАНИШ СТРЕССИ ШАРОИТИДА
ЭРКИН РАДИКАЛ ЖАРАЁНЛАРИГА ТАЪСИРИ

14.00.16 – Нормал ва патологик физиология

тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Tib2808 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ирискулов Бахтияр Уктамович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Сайфуллаева Саида Акрамжоновна
тиббиёт фанлари доктори, катта илмий ходим

Карабаев Амин Гадаевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат стоматология институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил « ____ » _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент тиббиёт академиясининг 10-ўқув биноси, 1-қават. Тел./факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент, Фаробий кўчаси. 2-уй. Тошкент тиббиёт академиясининг бош ўқув бино, 8-қават. Тел/факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2024 йил « ____ » _____ да тарқатилди.
(2024 йил « ____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И.Шайхова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Ш.Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Р.Дж.Усманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда сўнгги пайтларда экологик муаммолар ва одамларнинг турмуш тарзи ва овқатланишидаги ўзгаришлар туфайли жигар касаллиги кўпаймоқда. Масалан, 2019 йилда жигар касалликларининг дунё бўйлаб тарқалиши 1,69 млрд (жигар саратони, 0,04%; сурункали жигар касаллиги, 99,96%) ни ташкил этди. Касаллик даражаси 2,59 млн. (жигар саратони, 20,7%; сурункали жигар касаллиги, 79,3%), ўлим кўрсаткичи 1,95 млн. (жигар саратони, 24,8%; сурункали жигар касаллиги, 75,3% (Rev Prescrire 2022; 42(464): 430) ни ташкил этди. Патологик шароитлар ривожланишининг асосий омили оксидловчи стресс эканлиги умумий қабул қилинган. Жигар касалликларда оксидловчи стресснинг ривожланиши сурункали яллиғланишга билан изохлаши мумк яллиғланишга билан изохлаши мумкин ва реактив кислород турларининг давом этиши, эхтимол, Купффер хужаяраларида ва жигарнинг полиморфонуклеар хужаяраларида НАДФН оксидазаларининг (Noh₂ оксили) оксидланиши билан боғлиқ. Оксидланиш стресс белгилари даражаси ва жигар фиброзининг зўравонлиги ўртасида боғлиқ мавжуд. Шундай қилиб, оксидловчи стресс таъсирини бартараф этадиган ва касалликларнинг сурункалилиги ва асоратлари ривожланишининг олдини оладиган янги самарали ва хавфсиз фармакологик фаол воситаларни ишлаб чиқиш замонавий клиник амалиёти ва фундаментал тиббиётнинг долзарб муаммоси бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда турли касалликларда оксидланиш стрессининг ривожланиш механизмини баҳолаш бўйича қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада G.Lucidumнинг антиоксидант таъсир механизмини ва унинг токсик гепатитда жигардаги морфологик ўзгаришлар билан боғлиқлигини тушунтириш, про- ва антиоксидант тизимларнинг номутаносиблигининг тўқималар ва органлардаги, хусусан, жигарда, токсик гепатитдаги морфологик ўзгаришлар билан боғлиқлигини аниқлаш, G.Lucidum таъсиридан кейин фақат липид пероксидациянинг биокимёвий параметрларини баҳолаб, оксидловчи стресс остида жигарда метаболик бузулишларни тузатишга ушбу кўзиқорин таъсирининг батафсил биокимёвий ва морфологик корреляциясини таҳлил қилиш, G.Lucidumнинг қондаги эркин радикал оксидланиш жараёнларининг фаоллиги ва оксидловчи стресс шароитида гепатоцитларнинг тузилмавий ва функционал ҳолатига таъсирини баҳолашга қаратилган тадқиқотлар алоҳида илмий ва амалий аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, фармацевтика саноатини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, биологик фаол моддалар яратишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...дори-дармон ва тиббий буюмлар муомаласини тартибга солиш ҳамда аҳолига арзон ва сифатли маҳсулотлар етказиб бериш тизимини

такомиллаштириш...»¹ каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, янги самарали ва хавфсиз биологик фаол моддаларни ишлаб чиқиш ва яратиш маҳаллий фармакологиянинг долзарб ва юқори талаб қилинадиган соҳаси бўлиб, уларнинг таъсирининг механизмларини ўрганиш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдамани аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Клиник синовлар ва бошқа экспериментал тадқиқотлар шуни кўрсатдики, *G.Lucidum* каби машҳур козикорин бўлган мева танасидан ажратилган фаол бирикмалар турли хил биологик жараёнларда иштирок этадиган, яллиғланишга қарши, антиоксидант, ўсмага қарши ва иммуномодуляцион фаолликни кўрсатадилар (*Lakshmi et al., 2003; Lin and Chjan, 2004; Chjao et al., 2012; Pan et al., 2013; Ferreya et al., 2015*). Сўнгги йилларда адабиётларда жигар касалликлари (ўткир ва сурункали жигар етишмовчилиги) бўлган беморларда оксидловчи стресс пайтида метаболик ўзгаришлар масалалари фаол муҳокама қилинмоқда. Бир қатор муаллифларнинг тадқиқотларида (*Chaisak Chansrinoyom et at., 2018*), *Phyllanthus emblica* va *Alpinia galanda* каби баъзи биологик фаол моддаларнинг ўткир жигар етишмовчилигида метаболизмга ижобий таъсири тақдим этилди. МДХ мамлакатларида *G.Lucidum*нинг доривор хусусиятларини ўрганиш бўйича тадқиқот ишлари ҳам олиб борилди (*Белова Н.В., 2004; Постнова Е.Л., 2009; Капышева У.Н., 2017; Дуж Е.В., 2023*). Тажрибада *G.Ludum* нинг гепатотроп таъсирини хитойлик олимлар аниқлаган (*Su Z.Y. et al., 2013; Hasnat A., 2013; Li A., 2015*). Хорижий адабиётларда ушбу модда қандли диабет, атеросклероз, лейкокемия, коронар артерия касаллиги ва бошқалар каби турли касалликларда тажрибада қўллаш бўйича кўплаб маълумотлар мавжуд (*Yaping Liu et al., 2019; Sargowo D. et al., 2018; Myuller C.I., 2006; Lasukova T.V. et al., 2015*). Бироқ, бу модданинг антиоксидант таъсир механизми ва унинг токсик

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

гепатитда жигардаги морфологик ўзгаришлар билан боғлиқлигини тушунтириш учун адабиётда етарли маълумотлар йўқ.

Ўзбекистонда турли касалликларда оксидланиш стрессининг ривожланиш механизмини баҳолаш борасида қатор олимлар илмий тадқиқотлар олиб боришган (Каюмова Ю.Д., 2012; Камилова У.К., 2014; Раимкулова Д.Ф., 2021; Хамдамов Б.З., 2022; Тўйчибаева Д.М., 2023). Хайитметова С.Б (2022) тажрибада G.Lucidum нинг гепатопротектив тасирини аниқлаб, бунинг натижасида АЛТ, АСТ ва ишқорий фосфатаза каби жигар ферментлари нормаллашишини кўрсатган. Бироқ, про - ва антиоксидант тизимларнинг номуносаблигининг тўқималар ва органлардаги, хусусан, жигарда, токсик гепатитдаги морфологик ўзгаришлар билан боғлиқлигини аниқлашга бағишланган ишлар етарли эмас. Шу билан бирга кўпгина олимлар G.Lucidum таъсиридан кейин фақат липид пероксидациянинг биокимёвий параметларини баҳолаб, оксидловчи стресс остида жигарда метаболлик бузулишларни тузатишга ушбу кўзиқорин таъсирининг батафсил биокимёвий ва морфологик корреляцияси таҳлили ўтказишмаган. Шундан келиб чиқиб, G.Lucidumнинг қондаги эркин радикал оксидланиш жараёнларининг фаоллиги ва оксидловчи стресс шароитида гепатоцитларнинг тузилмавий ва функционал ҳолатига таъсирини баҳолашга бағишланган мақсадли тадқиқотлар ўтказилиши зарурлигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01.1100153 «Ички аъзоларнинг структуравий ва функционал хусусиятларини, уларнинг ангиоархитектоникасини турли ёш даврларида нормал ва турли омиллар таъсирида ўрганиш» (2018-2022 йй.) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади G. Lucidum кўзиқоринидан олинган экстрактнинг оксидланиш стресси шароитида жигарини биокимёвий жараёнлари ва морфофункционал ҳолатига таъсирини аниқлаш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

иссиқ қонли ҳайвонлар танасига углерод тетрахлорид таъсирида эркин радикал оксидланиш ҳолатини ва антиоксидант тизимини баҳолаш;

углерод тетрахлориддан келиб чиққан оксидловчи стресс шароитида экспериментал ҳайвонларда эркин радикал жараёнлар ҳолатига G. Lucidum кўзиқоринидан олинган экстрактнинг таъсирини аниқлаш;

экспериментал ҳайвонларнинг қонида антиоксидант ферментлар - супероксид дисмутаза, каталаза, глутатион пероксидаза ва малондиалдегид (МДА) фаоллигини G. Lucidum таъсирида оксидловчи стресс шароитида баҳолаш;

G. Lucidum таъсирида оксидловчи стресс шароитида жигар хужайраларининг морфофункционал ҳолатини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида виварийнинг анъанавий лаборатория рационда бўлган бошланғич тана массаси 100 - 160 гр бўлган ҳар икки жинсдаги 100 та оқ зотдор бўлмаган каламушлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида *G.lucidum* кўзикаридан экстрактнинг экспериментал оксидланиш стресси шароитида эркин радикал жараёнларига таъсири такомиллаштириш аутопсиядан кейин дум венасидан олинган консерваланган қон, жигар бўлакчаларининг баҳолаш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. *G.lucidum* кўзикаридан экстрактнинг экспериментал оксидланиш стресси шароитида эркин радикал жараёнларига таъсирини такомиллаштиришда биокимёвий, морфологик ва статистик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

оксидланиш стресси шароитида экспериментал ҳайвонлари организмидан эркин радикал жараёнларнинг фаоллигига *G.Lucidum* таъсири исботланган;

экспириментал тадқиқотда *G.Lucidum* таъсирида ферментларнинг антиоксидант фаоллиги кўрсаткичларнинг 5% аскорбин кислотасига нисбатан қисқа вақт ичида нормаллашиши исботланган;

*G.Lucidum*дан курслик фойдаланиш оксидатив стресс шароитида жигарнинг морфологик тузилмасини тиклашга олиб келиши исботланган;

оксидланиш стресси остида *G.Lucidum* 5% аскорбин кислотасига қараганда қисқа вақт ичида жигарнинг морфологик тузилишини тиклаши исботланган;

*G. lucidum*ни экспериментал оксидланиш стресси шароитида қўллашда биокимёвий ва морфологик ўзгаришлари ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжудлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

оксидланиш стресси вақтида *G.Lucidum*ни қўллаш, препаратнинг антиоксидант хусусияти туфайли антиоксидант тизим ферментлари фаоллиги ошиши ҳисобига липид пероксидланиш интенсивлигининг пасайишига олиб келиши аниқланди;

оксидатив стрессда *G.Lucidum*дан фойдаланиш жигарда регенератив жараёнларнинг ривожланишига ва унинг морфофункционал ҳолатини тезда меъёрлаштиришга ёрдам берган;

оксидатив стрессда липид пероксидациясининг интенсивлиги ва жигарда морфофункционал ўзгаришлар ўртасидаги тўғридан-тўғри боғлиқлик баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган биокимёвий, морфологик ва статистик тадқиқот усуллари асосида *G.Lucidum* кўзикаридан экстрактнинг экспериментал оксидланиш стресси шароитида эркин радикал жараёнларига таъсирини такомиллаштиришнинг ўзига

хослиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти оксидловчи стресс ривожланишининг патогенетик механизмларида антиоксидант тизим бузилишларининг роли ва аҳамияти, унга асосланган касалликларнинг прогнози ва даволашни баҳолашга табақалаштирилган ёндашувдир. Турли патологияларнинг ривожланишида эркин радикал оксидланиш ва антиоксидант тизимнинг организмдаги роли экспериментал ҳайвонларда оксидловчи стресс модели ёрдамида ўрганилди. Иссиқ қонли организмларнинг адаптоген имкониятларини кенгайтириш мақсадида *G.Lucidum*дан репаратив, мембранани барқарорлаштирувчи ва антиоксидант биологик фаол модда сифатида фойдаланиш имконияти кўриб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, *G.Lucidum* биологик фаол моддаси таркибида антиоксидантга ега бўлган тритерпенлар ва полиглюканлар мавжудлиги сабабли антиоксидант тизимнинг дастлаб камайган функцияси фаоллашиши ҳисобига липидларнинг пероксидланиш интенсивлигини пасайтиради. Олинган маълумотлар тартибга солувчи пептидларнинг организмдаги роли, уларнинг биологик таъсирининг кўп функцияли табиати ва уларга асосланган дори воситаларининг мураккаб фармакологик таъсири ҳақидаги мавжуд тушунчаларни кенгайтиради.

Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиши.

Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи-эксперт кенгашининг 2023-йил 9-октябрдаги 10/029-сон хулосасига кўра (илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш тўғрисида Тошкент тиббиёт академиясининг 2023-йил 9-октябрдаги 10/029-сонли хати Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилган):

биринчи илмий янгилик: оксидланиш стресси шароитида экспериментал ҳайвонлари организмда эркин радикал жараёнларнинг фаоллигига *G.Lucidum* таъсири биринчи марта исботлангани Тошкент педиатрия тиббиёт институти бўйича 19.06.2023 йилдаги 254-сон ҳамда Тошкент давлат стоматология институти бўйича 22.06.2023 йилдаги 226-ИАФ-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* экспериментда оксидловчи стрессни тузатиш учун *G.Lucidum*дан фойдаланиш антиоксидант ҳимоя тизими ва липид пероксидланиши ўртасидаги мувозанатни тиклашга олиб келди, бу эса каламушлар танасида антиоксидант ферментлар фаоллигининг ошиши билан боғлиқ. *G.Lucidum*нинг, табиий моддасида топилган антиоксидант фаоллик, ривожланиши оксидловчи стрессга асосланган касалликларни комплекс даволашни такомиллаштиришда клиник тадқиқотлар учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* жигар касалликларини комплекс даволашда *G.Lucidum*нинг киритилиши даволаш самарадорлигини ошириши ва унинг вақтини қисқартириши, бу эса

даволаниш харажатларини қисқартиришга олиб келиши билан изоҳланади. *Хулоса:* тажриба G.Lucidumнинг антиоксидант фаоллигини исботлади. Жигар касалликларини комплекс даволашда G.Lucidumдан фойдаланиш даволаш самарадорлигини оширади, касалликларнинг асоратлари хавфини камайтиради, бу эса беморларни даволашга ажратилган харажатларини иқтисод қилиш имконини беради;

иккинчи илмий янгилик: экспериментал тадқиқотда G.Lucidum таъсирида ферментларнинг антиоксидант фаоллиги кўрсаткичларнинг 5% аскорбин кислотасига нисбатан қисқа вақт ичида нормаллашиши исботлангани Тошкент педиатрия тиббиёт институти бўйича 19.06.2023 йилдаги 254-сон ҳамда Тошкент давлат стоматология институти бўйича 22.06.2023 йилдаги 226-ИАФ-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* G.Lucidumни қўллаш даволаш самарадорлигини ошириш ва патогенезида оксидатив стресс бўлган касалликларни комплекс терапия қилиш учун препаратлар арсеналини кенгайтириш имконини беради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* иш G.Lucidum таъсирида антиоксидант ферментларининг тизим фаоллиги классик антиоксидантни қўллашдан кўра қисқа вақт ичида тикланганлигини аниқлади. Бу даволаниш вақтини қисқартиришга ёрдам беради. Шундай қилиб, хусусан, G.Lucidumдан фойдаланганда, классик антиоксидант 5% аскорбин кислотасидан фарқли ўлароқ, даволаниш муддати тахминан 8-17 кунга қисқариши мумкин. Бу даволаниш учун ажратилган маблағни тежаш имкон бериши билан изоҳланади. *Хулоса:* эксперимент G.Lucidumнинг табиий антиоксидант препарат сифатида самарадорлигини исботлади, ундан жигар касалликларини комплекс даволашда фойдаланиш даволаш муддатини қисқартириш ва даволаниш учун қўшимча харажатларни камайтириш имконини беради;

учинчи илмий янгилик: G.Lucidumдан курслик фойдаланиш оксидатив стресс шароитида жигарнинг морфологик тузилмасини тиклашга олиб келиши исботлангани Тошкент педиатрия тиббиёт институти бўйича 19.06.2023 йилдаги 254-сон ҳамда Тошкент давлат стоматология институти бўйича 22.06.2023 йилдаги 226-ИАФ-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* G.Lucidumни қўллашда оксидловчи стресс пайтида ўзгарган каламушлар жигарининг архитектурасини тиклаш препаратда гепатотроп таъсир мавжудлигини кўрсатади. Бу G.Lucidumни нафақат тажрибада, балки клиникада жигар касалликлари билан оғриган беморларни комплекс даволашда гепатопротектор сифатида тавсия қилиш имконини берди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* оксидланиш стрессидан G.Lucidum курсидан фойдаланиш ўзгартирилган жигар архитектурасини тиклашга олиб келади. Шу муносабат билан ушбу препаратни жигар касалликларини комплекс даволашда қўллаш мумкин бўлган ҳолда даволаш сифати ошиши мумкин, бу асоратларнинг ривожланишига тўсқинлик қилади ва даволаниш муддатини қисқартиради.

Бу эса беморларни даволаш учун ажратилган маблағни тежаш имкон бериши билан изоҳланади. *Хулоса:* оксидланиш стрессининг экспериментал моделида табиий препарат G.Lucidumнинг мембранани ҳимоя қилиш ва гепатотроп таъсири кўрсатилди. Жигар касалликларини комплекс даволашда гепатопротектор сифатида G.Lucidumни киритиш касаллик асоратлари ривожланишининг олдини олади, бу касалликнинг давомийлигини ва даволаниш харажатларини камайтиш имконини беради;

тўртинчи илмий янгилик: оксидланиш стрессидан G.Lucidumдан фойдаланиш 5% аскорбин кислотасига нисбатан қисқа вақт ичида жигарнинг морфологик тузилишини тиклаши исботлангани Тошкент педиатрия тиббиёт институти бўйича 19.06.2023 йилдаги 254-сон ҳамда Тошкент давлат стоматология институти бўйича 22.06.2023 йилдаги 226-ИАФ-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* жигар касалликларини комплекс даволашда G.Lucidumдан фойдаланиш нисбатан қисқа вақт ичида ўзгарган жигар архитектоникасини тўлиқ тиклашга олиб келиши мумкин. Натижада даволаш сифати ва касалликнинг прогнози яхшиланади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* G.Lucidumни гепатопротектор сифатида жигар касалликларини комплекс даволашга киритиш даволаш сифатини яхшилаш ва унинг вақтини қисқартириши мумкин. Бу даволаниш нархини ва беморнинг касаллик кунларини тўлов харажатларини камайтириши билан изоҳланади. *Хулоса:* оксидланиш стресси билан ўтказилган тажрибада G.Lucidumнинг гепатотроп таъсири исботланиб, G.Lucidum клиник синовларга жигар касалликларини комплекс даволашда гепатопротектор сифатида тавсия этилиши натижасида даволаниш харажатларини камайтириш имконини беради;

бешинчи илмий янгилик: G. lucidumни экспериментал оксидланиш стресси шароитида қўллашда биокимёвий ва морфологик ўзгаришлари ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжудлиги исботлангани Тошкент педиатрия тиббиёт институти бўйича 19.06.2023 йилдаги 254-сон ҳамда Тошкент давлат стоматология институти бўйича 22.06.2023 йилдаги 226-ИАФ-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* жигар касалликларини ўрганишда таклиф этилаётган комплекс усулдан фойдаланиш тиббиёт муассасаларининг лаборатория ва бўлимларида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар сифатини оширади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* жигар касалликларида биокимёвий тадқиқот усуллариини морфологик усуллар билан биргаликда қўллаш диагностика сифатини яхшилаш ва беморларни малакали ва мақсадли даволашга ёрдам беради. Бу даволаниш муддатини, беморнинг ишлай олмайдиган кунлар сонини ва бу учун ажратилган тўловларни қисқартириши билан изоҳланади. *Хулоса:* тадқиқот иссиқ қонли ҳайвонларнинг организмидаги эркин радикал жараёнларнинг интенсивлиги ва экспериментал оксидловчи стресс шароитида жигарнинг морфологик расмидаги ўзгаришлар ўртасидаги тўғридан-тўғри боғлиқликни исботлади. G.Lucidumдан фойдаланганда

антиоксидант тизими ва липид пероксидацияси мувозанатга еришиш ўзгартирилган жигар архитетоникасини тиклашга тўғри келди. Биокимёвий тадқиқот усулларини морфологик усуллар билан биргаликда қўллаш лабораторияларда олиб бориладиган илмий тадқиқотлар сифатини ошириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 5 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертациянинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Экспериментал оксидланиш стресси шароитида G.Lucidum замбуруғидан олинган экстрактнинг эркин радикал жараёнларга таъсири**» деб номланган биринчи бобида эркин радикал жараёнлар ва иссиқ қонли организмнинг антиоксидант тизими, шунингдек оксидатив стресс ва биологик фаол моддалар-G. Lucidum ҳақидаги илмий маълумотлар келтирилган. Келтирилган барча адабий маълумотлар умумлаштирилди, тизимлаштирилди ва ўрганилди. Келгусида ҳал қилишни талаб қилувчи долзарб масалалар кўриб чиқилди. Адабиётни таҳлил қилиш натижасида ушбу муаммо юзасидан ҳал этилмаган вазифалар белгилаб олинди.

Диссертациянинг «**Экспериментал оксидланиш стресси шароитида G.Lucidum замбуруғидан олинган экстрактнинг эркин радикал жараёнларга таъсирини баҳолаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида ўрганилаётган материалнинг умумий тавсифи ва қўлланиладиган тадқиқот усуллари берилган. Тадқиқот истиқболли тасодифий танлаш хусусиятга эга бўлиб, замонавий биокимёвий ва гистологик тадқиқот усуллари асосланган.

Барча экспериментал ҳайвонлар (каламушлар) 4 гуруҳга бўлинган: 1- гуруҳи соғлом ҳайвонлар эди $n=10$; 2- гуруҳ - I тажрибали гуруҳ (қорин ичига 50% CCl_4 0,5 мл ёғ эритмаси зайтун мойида 0.3 г тана вазни учун 100 мл асосида қилинган инъексия натижасида ўткир жигар етишмовчилиги юзага келган ҳайвонлар) $n=10$; 3 гуруҳ – II тажрибали гуруҳ тетрахлорид углерод киритилгандан бир кун кейин кунига бир марта, 7 кун давомида *G. Lucidum* (10 мг/кг тана вазнининг дозасида) – 0,08 мл ошқозон ичига киритилгандан кейин модда алмашинуви тузатилган ҳайвонлар $n = 40$;

4 – гуруҳ – назорат гуруҳ (тетрахлорид углерод киритилгандан бир кун кейин кунига бир марта, 7 кун давомида, интакт дори 5% - 0,02 мл вена ичига дозасида 5% аскорбин кислота эритмаси билан метаболик касалликлари тузатилган ҳайвонлар) $n=40$.

Тадқиқот давомида биокимёвий ва гистологик усуллар қўлланилган. Статистик материалларни қайта ишлаш параметрик ва параметрик бўлмаган тадқиқот усуллари ёрдамида амалга оширилди.

Биокимёвий усуллар DIRUI анализаторида (Хитой) амалга оширилди. Супероксид дисмутаза, глутатион пероксидаза, каталазлар, умумий антиоксидант ҳолати ва малон диалдегид кўрсаткичлари баҳоланди. Супероксид дисмутаза (СОД) фаолияти В.Г Мхитарян ва ҳаммуаллифлар усули билан аниқланди. Фаолият гидроксиди муҳитда тетрасолиал кўкни қайта тиклашнинг ингибисён фоизига (Т%) қараб ҳисоблаб чиқилган. Фермент фаолияти шартли/мин • мг оксил бирлик билан ифодаланган. Глутатион пероксидаза (ГПО) фаолияти липопероксидларнинг парчаланиши натижасида оксидланган глутатион (GSSG) нинг тўпланиши билан аниқланди. Фермент фаолияти шартли / мин • мг Нв дақиқада билан ифодаланган. Каталаза фаолияти ва водород периксидни (V_{mo2}) ишлатиш тезлиги спектрофотометрик усул (Королюк М.А ва бошқ.) билан аниқланди. Усул водород пероксиднинг молибден тузлари билан доимий рангли комплекс ҳосил қилиш қобилиятига асосланган. Умумий антиоксидант ҳолат тўртта асосий кўрсаткични ўлчаш йўли билан аниқланди: умумий ҳолат (УХ), шунингдек, кислород эритроситик кўрсаткичлар – супероксиддисмутаза ферменти (СОД), глутатинредуктаза ферменти (ГПР) ва глутатион пероксидаза ферменти (ГП). МДА даражаси колориметрик усул ёрдамида баҳоланди (Сталная И.Д., Гаришвили Т.Г.).

Гистологик тадқиқот усуллари $\mu Vizo - 103$ (ОАО «ЛОМО», Россия) микровизорда амалга оширилди. Жигар тўқималарининг стандарт уланиши концентрациясини оширувчи спирти ёрдамида амалга оширилди, гематоксин ва эозин ёрдамида препаратларни бўйаш ўтказилди, кейин гистологик бўлақларни талқин қилиш учун парафинга солинди. Жигар препаратларида қуйидаги кўрсаткичлар: синусоидларнинг диаметри, артерия диаметри ва триаддаги кесишмалар майдони, вена диаметри ва триаддаги кесишмалар майдони, марказий томирнинг диаметри ва кесишмалар майдони, шунингдек гепатоцитлар ҳолати ўрганилди. Материалнинг статистик қайта ишлаш параметрик ва параметрик бўлмаган кўрсаткичлар ёрдамида амалга оширилди. Параметрик кўрсаткичлар орасида Студент-

Фишер мезонлари ишлатилган ва непараметрик бўлмаган Краскес-Уоллис, Манна-Уинни, Вилконсон.

Диссертациянинг «Экспериментал оксидланиш стресси шароитида *G.lucidum* замбуруғидан олинган экстрактнинг эркин радикал жараёнларга таъсири» деб номланган учинчи бобида ўз тадқиқотлари натижалари келтирилган.

*G. Lucidum*нинг оксидатив стресс шароитида гепатоцитларнинг функционал ҳолатини тавсифловчи биокимёвий кўрсаткичларнинг ўзгаришига таъсири ҳам баҳоланди.

Маълумки, оксидловчи стресс-бу антиоксидант системанинг (АОС) етарли бўлмаган ишлаши билан организмдаги оксидловчи жараёнларнинг кескин ошишидир.

Натижада, липид пероксидацияси (ЛПО) фаоллашади ва хужайра мембраналарига зарар етказиш учун жуда юқори қобилятга эга бўлган ЛПО маҳсулотлари тўпланади. Натижада, оксидловчи стрессли ва стрессиз каламушларда АОС ва жинснинг биокимёвий параметрларини қиёсий таҳлил қилиш, олинган маълумотлар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Оксидловчи стрессиз(интакт гуруҳи) ва стрессли(1 тажрибали гуруҳ) каламушларда биокимёвий кўрсаткичларнинг қиёсий хусусиятлари

Кўрсаткич	СОД	ГП	Каталаза а	МДА (пл)	МДА (ер)	УАС
соғлом гуруҳи	2,05 ±0,123	0,352 ± 0,005	45,5 ± 0,447	1,19 ±0,021	0,617 ±0,012	1,658 ±0,008
I тажрибали гуруҳи	1,15 ±0,018	0,22 ±0,007	25,8 ±0,437	3,2 ±0,035	1,52 ±0,028	0,8 ±0,007

Еслатма: $p < 0.05$ нинг аҳамияти даражаси

Жадвалда оксидатив стрессли каламушларда СОД фаоллиги 44%, ГП – 38%, каталаза – 42%, УАС 52% камайгани кўрсатилган. Плазмадаги МДА 169%, эритроцитларда МДА эса 146% кўпайган. СОД, ГП ва каталаза фаоллигининг сезиларли пасайиши оксидловчи стресснинг сабабларидан бири бўлди, чунки бу ферментлар асосий АФК – супероксид анион-радикал ва водород периксид олиб ташлаш учун жавобгардир. Бу липопероксидация маҳсулотларининг қон плазмасида тўпланишига олиб келади.

Назорат гуруҳини ўрганишда олинган (7 кун давомида 5% аскорбин кислотаси киритилган каламушлар) қуйидаги маълумотлар 2-жадвалда келтирилган. Назорат гуруҳида 5% аскорбин кислотадан фойдаланиш УАС ферментларининг фаоллигини босқичма-босқич оширишга олиб келди, бу уларнинг антиоксидант таъсирини кучайтирди. Тадқиқот натижалари 2-жадвалда келтирилган. Маълумотларнинг талқини қуйида келтирилган. Жадвалдаги барча маълумотлар статистик жиҳатдан ишончли ва илмий асосланган.

Аскорбин кислота классик антиоксидантдир. Шунинг учун биз тажрибамизда G. Lucidumнинг таъсирини ушбу дори билан таққосладик. 5% аскорбин кислотадан фойдаланиш антиоксидант тизим ферментларининг фаоллигида маълум ўзгаришларга олиб келди.

2-жадвал


Назорат гуруҳида 5% аскорбин кислотаси таъсиридан кейин экспериментал хайвонларда биокимёвий қон кўрсаткичлари даражаси

Кўрсаткич	I тажрибали гуруҳи	7 кундан кейин	14 кундан кейин	21 кундан кейин	28 кундан кейин
СОД	1,15±0,018	1,25±0,018	1,32±0,064	1,46±0,064	1,61±0,068
ГП	0,22±0,007	0,28±0,009	0,31±0,014	0,32±0,009	0,33±0,013
Каталаза	25,8±0,437	31,6±0,45	35,6±1,203	37,9±1,242	40,2±1,751
МДА (плазма)	3,2±0,035	2,7±0,033	2,41±0,068	2,37±0,086	1,97±0,086
МДА (эритроцитлар)	1,52±0,028	1,35±0,026	1,28±0,053	1,21±0,05	0,97±0,041
Умумий оксидатив статуси	0,8±0,007**	1,23±0,059	1,3±0,066	1,43±0,068	1,59±0,068

Изоҳ: $p < 0.05$ нинг аҳамияти даражаси

Шундай қилиб, назорат гуруҳида I тажрибали гуруҳи билан солиштирганда даволаш бошланишидан 7 кунда СОД даражаси 9% га, ГП 27% га, каталаза 22% га ошди, МДА (плазмада) 16%, МД (эритроцитларда) 11% га камайди, УОС 54% га ошди. 14 - кунда қонда УОС ферментларининг фаоллиги янада ошди. Назорат гуруҳида I тажрибали гуруҳи билан солиштирганда СОД ўсиши 15%, ГП 41%, каталаза 38% эди, плазмадаги МДА даражаси 25% ва эритроцитларда 16% га камайди, УОС ушбу гуруҳда 63% га ошди. 21- кунда назорат гуруҳида I тажрибали гуруҳига нисбатан СОД даражаси 27%, ГП 45%, каталаза 47% га ошди, плазмадаги МДА 26%, эритроцитларда 20% га камайди, УОС 79% га ошди. 28 кунда назорат гуруҳидаги I тажрибали гуруҳ билан солиштирганда СОД таркиби 40%, ГП 50%, каталаза 56% га ошди, плазмадаги МДА 38%, эритроцитларда 36% га камайди, УОС 99% га ортди.

Назорат гуруҳидаги биокимёвий кўрсаткичлар ўзгаришининг график тасвири 1-расмда келтирилган.



1-расм. 5% аскорбин кислотасини қўллашдан кейин каламушларда биокимёвий кўрсаткичлардаги ўзгаришларнинг динамикаси. * - $p \leq 0,05$

7 кун ичида *G. lucidum* экстракти киритилган II тажрибали гуруҳини ўрганишда қуйидаги маълумотлар олинган (3-жадвал).

3-жадвал

***G. lucidum* экстракти киритилган II тажрибали гуруҳида ўрганишда қуйидаги маълумотлар олинган**

Кўрсаткич	I тажрибали гуруҳ	7 кундан кейин	14 кундан кейин	21 кундан кейин	28 кундан кейин
СОД	1,15±0,018	1,31±0,018	1,47±0,041	1,62±0,052	2,03±0,059
ГП	0,22±0,007	0,3±0,005	0,32±0,009	0,34±0,009	0,35±0,013
Каталаза	25,8±0,437	32,8±0,4	38,4±1,358	39,7±1,507	44,2±1,781
МДА (плазма)	3,2±0,035	2,5±0,018	2,36±0,064	2,02±0,073	1,17±0,045
МДА (эритроцитлар)	1,52±0,028*	1,31±0,023	1,25±0,043	1,06±0,044	0,621±0,025
УАС	0,8±0,007	1,3±0,066	1,46±0,068	1,52±0,068	1,65±0,068


Еслатма: $p < 0.05$ нинг аҳамияти даражаси

G. lucidum таъсири антиоксидант тизим ферментларининг фаоллигини оширишга олиб келди. Шундай қилиб, 7 -кундан сўнг II тажрибали гуруҳда I тажрибали гуруҳига нисбатан СОД таркиби 14%, ГП 36%, каталаза 27%, УОС 63% га ошди, плазмадаги МДА 22%, эритроцитларда 14% га камайди. 14 кундан сўнг II тажрибали гуруҳда I тажрибали гуруҳига нисбатан СОД даражаси 28% га, ГП 45% га, каталаза 49%, УОС 83% га ошди, плазмадаги МДА даражаси 26% га, эритроцитларда 18% га камайди. 21- кунда II тажрибали гуруҳда I тажрибали гуруҳига нисбатан СОД 41%, ГП 55%, каталаза 54%, УОС даражаси 90% га ошди, плазмадаги МДА даражаси 37%га, эритроцитларда 30% га камайди. 28-кунда II тажрибали гуруҳда I тажрибали гуруҳига нисбатан СОДнинг миқдори 77%, ГП 59%, каталаза 71%, УОС қиймати 106% га ошди, МДА плазмада 63%, эритроцитларда 59% га камайди. Бу кўрсаткичлар соғлом гуруҳнинг қийматига яқинлашди.

Шундай қилиб, 5% аскорбин кислотаси ва *G.lucidum* ишлатилганда, оксидатив стрессда АОС ферментларининг дастлаб камайтирилган фаоллиги ортиб бормоқда ва 28 кун давомида соғлом гуруҳ миқдорларига эришди.

Плазма ва эритроцитлардаги МДА миқдори аста-секин камайди ва 28 - кун минимал қийматларга етди. Шу билан бирга, УАС ферментларининг фаоллиги II тажрибали гуруҳда контрол гуруҳи билан солиштирганда бироз юқори бўлди. Тадқиқот маълумотлари қиёсий жиҳатдан 4-жадвалда келтирилган.

Олинган маълумотлар 2-расмда акс этирилган.



2-расм. *G.Lucidum* таъсиридан кейин экспериментал ҳайвонларнинг қонида антиоксидант тизим ферментларининг фаоллигини ўзгариши. *- $p \leq 0,05$

4-жадвал

***G.Lucidum* (II-тажрибали гуруҳ) ва 5% аскорбин кислотаси (назорат гуруҳ) таъсирининг қиёсий характеристикаси**

Кўрсаткич	Вақт гуруҳлар	7 кундан кейин	14 кундан кейин	21 кундан кейин	28 кундан кейин
СОД	назорат гуруҳи	1,25 ±0,018	1,32 ±0,064	1,46 ±0,064	1,61 ±0,068
	II тажриба гуруҳи	1,31 ±0,018	1,47 ±0,041	1,62 ±0,052	2,03 ±0,059
ГП	назорат гуруҳи	0,28 ±0,009	0,31 ±0,014	0,32 ±0,009	0,33 ±0,013
	II тажрибали гуруҳ	0,3 ±0,005	0,32 ±0,009	0,34 ±0,009	0,35 ±0,013
Каталаза	назорат гуруҳ	31,6 ±0,45	35,6 ±1,203	37,9 ±1,242	40,2 ±1,751
	II тажрибали гуруҳ	32,8 ±0,4	38,4 ±1,358	39,7 ±1,507	44,2 ±1,781
МДА (пл)	назорат гуруҳ	2,7 ±0,033	2,41 ±0,068	2,37 ±0,086	1,97 ±0,086
	II тажрибали гуруҳ	2,5 ±0,018	2,36 ±0,064	2,02 ±0,073	1,17 ±0,045

МДА (эр)	назорат гурух	1,35 ±0,026	1,28 ±0,053	1,21 ±0,05	0,97 ±0,041
	Птажрибали гурух	1,31 ±0,023	1,25 ±0,043	1,06 ±0,044	0,621 ±0,025
УАС	назорат гурух.	1,23 ±0,059	1,3 ±0,066	1,43 ±0,068	1,59 ±0,068
	Птажрибали гр.	1,3 ±0,066	1,46 ±0,068	1,52 ±0,068	1,65 ±0,068

Изох: $p < 0.05$ нинг аҳамияти даражаси

Шундай қилиб, ўрганилаётган II тажрибали гуруҳдаги СОД фаолияти 7-,14-, 21-, 28- кунлари мос равишда назорат гуруҳига нисбатан кўпроқ 38, 47, 34, 48% га ошди. II тажрибали гуруҳдаги ГП фаолияти 7-, 14-, 21-, 28- кунлари мос равишда назорат гуруҳидан кўпроқ 25, 10, 17, 15% га ошди. II тажрибали гуруҳдаги каталаза фаолияти 7-, 14-, 21-, 28- кунлари мос равишда назорат гуруҳидан кўпроқ 17, 22, 13, 22% га ошди. II тажрибали гуруҳдаги УОС қиймати 7-, 14-, 21-, 28-кунлари мос равишда назорат гуруҳидан юқори 14, 24, 13, 7% га ошди. II тажрибали гуруҳдаги плазмадаги МДА таркиби 7-, 14-, 21-, 28-кунлари мос равишда назорат гуруҳидан кўпроқ 30, 6, 30, 40% га камайди. II тажрибали гуруҳдаги эритроцитлардаги МДА таркиби 7-, 14-, 21-, 28-кунлари назорат гуруҳига нисбатан 20, 10, 33, 40% га камайди. Шундай қилиб, 4 жадвалдаги маълумотларни таҳлил қилганда, *G. Lucidum*ни қўллаш билан АОС ферментлари фаоллигининг проценти ўсиши 5% аскорбин кислотасига қараганда сезиларли даражада юқори бўлганлиги аниқ. Плазма ва эритроцитлардаги МДА таркибидаги пасайиш улуши ҳам *G. Lucidum*ни қабул қилган каламушлар гуруҳида 5% аскорбин кислота эритмасини олган каламушлар гуруҳига нисбатан сезиларли даражада кўп бўлган.

G.lucidum билан даволашдан 28 кун ўтгач оксидловчи стресснинг оғирлиги ва супероксид дисмутаза даражаси ўртасидаги салбий боғлиқлик (даражали корреляция коэффиценти $-0,306$, $p < 0,05$) диққатга сазовордир.

Экспериментал оксидловчи стресс шароитида жигарнинг гистологик кўриниши препаратни қўллаганидан кейин 7-кундан бошлаб ўзгара бошлагани, 14-21-кунларда давом этиши ва тажрибанинг 28-кунига қадар жигар фиброзининг ривожланиши аниқланди. Макроскопик жиҳатдан жигар тўқимаси сарғиш-очик жигарранг рангга эга бўлиб, ҳажми катталашган, консистенцияси юмшаган эди. Тажрибанинг 7-кунидан бошлаб жигар паренхимасида гепатоцитларнинг йирик, ўрта, майда томчили ёғли дегенерацияси, гидропик ва гиалин-томчи оксил дегенерацияси кўринишида микроскопик ўзгаришлар пайдо бўлди. Гепатоцитларда ёғли қўшимчаларнинг ҳосил бўлиши инфилтрация, парчаланиш (липофанероз), ёғнинг трансформацияси ва синтези механизми орқали содир бўлади. Ушбу ҳаволада асосий ўринни жигарда углерод тетраклорид алмашинуви жараёнида ҳосил бўлган эркин радикалларнинг ҳужайра мембраналари ва гепатоцитлар эндоплазматик ретикулумининг макромикросомал ферментларига, шу жумладан Кребс циклига зарарли таъсирни эгаллайди. Натижада, ёғ кислоталарининг оксидланиши блокланади ва апопротеинлар

ва липопротеинларнинг синтези инҳибе қилинади. Қонда олинган ёғлар ёмон оксидланади ва гепатоцитларнинг ёғли дегенерацияси катта, ўрта ва кичик томчилар шаклида намоён бўлади. Катта ёғли кисталар катта томчи ёғли дегенерацияга учраган гепатоцитлардан ҳосил бўлади. Булар гепатоцитларнинг ядроси ва мембранасини бузади ва гепатоцитлар некрозининг ривожланишига олиб келади.

Катта ёғли кисталар бузилмаган гепатоцитларни сиқиб, уларнинг апоптозини келтириб чиқаради. Шу билан бирга, зарар кўрмаган гепатоцитларнинг апоптози ривожланади, бу бир хужайрали некрознинг ривожланишига олиб келади. Синусоидларнинг торайиши, қон оқимининг бузилиши, Диссе бўшлиқларининг кенгайиши ва веноз тикилиши ҳам кузатилади. Жигарнинг тузилиши бузилади, унинг стромаси очилади. Юпқалашган строма атрофида фиброгенез фаоллашади. Шундай қилиб, каламушларга углерод тетрахлориднинг бир марта қорин бўшлиғига юборилиши жигар паренхимасида аниқ патологик ўзгаришларга олиб келди. Агар токсик агентнинг таъсири бартараф этилмаса, прогрессив массив қайтарилмаса жигар некрози ривожланиши мумкин.

